

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ  
ЗООЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**Маматова Муқаддас Илхомжон қизининг  
5140100-Биология таълим йўналиши бўйича бакалавр  
даражасини олиш учун “Сурхондарё вилояти аҳолисида  
учровчи гельминтлар ва гельминтозларни қиёсий таҳлили”  
мавзусидаги  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**



*Илмий раҳбар:*

*доц. Х.Тангиров*

*Термиз 2017*

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	
Мавзунинг муаммолиги.....	
<b>I-БОБ. Ўзбекистон аҳолиси гельминтлари ва гельминтозларни ўрганилиш тарихи .....</b>	
<b>II-БОБ. Материал ва методика.....</b>	
<b>III-БОБ. Сурхондарё аҳолисида учровчи гельминтлар ва гельминтозларнинг тарқалиш статистик таҳлили.....</b>	
<b>IV-БОБ. Вилоят, шаҳар ва туманлари бўйича гельминтлар ва гельминтозлар таҳлили.....</b>	
Хулосалар.....	
Фойдаланилган адабиётлар.....	

## **КИРИШ**

### **МАВЗУНИНГ МУАММОЛИГИ**

Ҳар хил касалликлар каби одамларда кенг тарқалган касаллик бу гельминтозлар ҳисобланади. Бу гельминтлар бизни ўраб олган муҳитда ҳамма жойда тупроқда, сувда, ҳавода, озиқ-овқатда учраб биоценознинг таркибий қисмини ташкил этади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш жамияти маълумотига кўра Африка Осиё ва Лотин Америка мамлакатларини 90 % аҳолиси гельминтларнинг бир неча турлари билан касалланганлар. Оғир тропик гельминтозлар таъсири остида жуда кўп одамлар ногирон бўлиб хоттоки қирилиб кетмоқда. Европа мамлакатларида ва шимолий Америкада тез тарқалган касалликлар ичида энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридоз, трихоцефалиоз, тениаринхоз, эхинококк ва бошқа гельминтозлар асосий ўринни тутди. Паразит ва хўжайин бир-бири билан ўзаро яқин ҳамкорликда яшайди, лекин паразитлар хўжайин организмга ҳар томонлама таъсир қилади. Улар паразитнинг турига, организмнинг ёши ва умумий ҳолатига боғлиқ. Булар асосан механик таъсир, хўжайиннинг нормал ривожланиш учун зарур бўлган озиқ моддалар истеъмол қилиш ҳар хил захарли моддаларни (токсинлар) ишлаб чиқариш, ҳилма-хил потогенли микроблар ва вирусларнинг хўжайин организмга кириш учун йўл очиб бериш, хўжайин организмнинг дармонсизланишига олиб келадиган таъсирлардан иборат. Механик таъсирида турли-туман паразитлар хўжайиннинг тўқима ва органларида яшаб, уларни механик жиҳатдан қаттиқ шикастлайди. Йирик ва кўп сондаги ичак паразитлари (аскаридалар, цестодалар) ичак бўшлиғига тикилиб қолиб, ичакда моддаларни ўтказмай қўяди. Эхинококкнинг личинкалик пуфаклари ўпка ва жигар ҳажмининг катталанишига олиб келади, тўқималарни қисиб қўяди. Токсинли таъсирида хўжайин организмга тушган паразитлар ўзларидан ҳар хил захарли моддалар (токсинларни) ажратади. Бу моддалари қон ва лимфа орқали организмга тарқалиб, салбий таъсир кўрсатади. Натижада айрим органлар функцияси бузилади. Токсинлар

хўжайин организмига турли формада таъсир қилади. Жумладан бир хил токсинлар қон хужайраларининг таркибининг ўзгаришига олиб келади. Цестодалар билан зарарланган организмларда эозинофилалар миқдори 16,5 % га ортади. Анкилостома, аскарида ва бошқа нематодалар билан касалланганда эса эритропоэдлар 2-3 баравар камайиб кетади. Кўпчилик паразитлар озиқ моддасини хазм қилишга қатнашувчи ферментлар нейтроловчи ингибиторлар ишлаб чиқади. Натижада ферментлар озиқ моддасининг хазм бўлишига актив иштирок эта олмайди. Эндopаразитлар ҳам сўлаклари билан организмни захарловчи токсинлар ажратади. Хўжайин уни организмга кирган паразит ўртасида доимо антогoенистик кураши боради. Хўжайин билан паразит ўртасидаги курашда хўжайин организми кучсиз чиқса, касалликларнинг клиник белгилари пайдо бўлади. Бу карашда кўпинча хўжайин организми паразитга нисбатан бир бутун ҳолда кураш олиб боради. Паразитлар ҳамма мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, одам уй ва ёввойи ҳайвонларда оғир касалликларни келтириб чиқаради. Натижада хўжаликлар катта иқтисодий зарар кўрадилар. Айниқса эхинококк, ценуроз, фициолиоз каби касалликлар туфайли жуда кўп чорва моллари қирилиб каталади. Касаллик сурункали шаклда ўтганда ҳайвонлар ориқланиб маҳсулоти кетмайди. Касалланган ёш ҳайвонлар соғломларига нисбатан ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Инвазия билан зарарланган ҳайвонлар организми заифлашади, ҳар хил юқумли ва ҳаттоки юқумсиз касалликларга мойил бўлиб қолади, яхши семирмайди, улардан олинган маҳсулотни миқдори камайиб, сифати пасаяди. Кўпинча гўшти ва ички органлари чиқит қилинади. Ўзбекистон Республикаси санэпидемия назорат маркази маълумотига кўра, ҳар йили гeльминтоз касалликларни бор – йўқлиги бўйича 6 млн киши лаборатория кўрикларидан ўтказилади. Текширишлар натижасига кўра 200 минг кишининг гeльминтлар ва гeльминтозлар билан оғриганлиги қайд этилган.

Шундан энг кўп учрайдиган гeльминтлар калта занжирсимон (*Hymenolepis* папа), Острица (*Enterodius vermicularis*), қорамол солитёри

(*Talpiarhynchus saginatus*), аскарида (*Ascaris lumbricoides*), қилбош (*Trichocephalus trichuris*), эхинококк (*Echinococcus granulosus*) ва бошқалардир. Масалан: илмий маълумотларга кўра баъзи бир мактаб ёки боғчаларга болаларнинг 30-50 % остица билан касалланган ёки республика бўйича ҳар йили 500 дан кўпроқ киши эхинококк бўйича хирургик операция қилинади. Баъзи географик зоналарда аҳолининг 20-30% аскариндоз ва трихоцефализ билан касалланган.

## **ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Илмий изланишдан мақсад Сурхондарё вилояти аҳолисида учровчи гельминтларни ва гельминтозларни ўрганиш, улардан паразитлик қилинадиган турларни аниқлашдан иборат. Шулар билан боғлиқ ҳолда куйидаги вазифалар белгиланади.

- Сурхондарё вилояти аҳолисида учровчи гельминтларни ва гельминтозларни ўрганилиш тарихи;
- Сурхондарё вилояти аҳолисида учровчи гельминтларни ва гельминтозларни статистик маълумотлар асосида туманлар бўйича тарқалиш даражасини аниқлаш;
- Аҳолида учровчи гельминтларни йиғиб, уларни аниқлаш;
- Вилоят, шаҳар, туманлари бўйича гельминтлар ва гельминтозларнинг статистик ҳисоботини таҳлил қилиш.

## **I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ГЕЛЬМИНТЛАРИ ВА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ**

Одам гельминтлари ҳақидаги энг дастлабки, илмий маълумотлар бизнинг эрамызгача яшаб ўтган Олимлар – Гиппократ, Аристотель, асарларидан маълум бўлсада лекин ватанимиз дунёга машхур, буюк энциклопедист олим Абу Али Ибн Сино (980-1037) паразит ҳайвонларни ўрганиш инсоният тарихи билмаган янгиликларни кашф этди.

“Тиб қонунлари” асарида лентасимон чавалчанглар, нематодалардан: аскарида, острица ва ришта тўғрисида ёзиб, уларнинг тузилиши, кўпайиши ва улар туфайли келиб чиқадиган касалликлар ҳамда бу касалликларни даволаш тўғрисида аниқ маълумотлар берди.

А.П.Федченко XIX аср Бухорода одамнинг энг хавфли паразити – риштанинг ривожланиш циклини ўрганди ва фанда биринчи бўлиб сувдаги циклоплар риштанинг оралиқ хўжайини эканлиги аниқлади.

Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан 1924 йили Самарқанд шаҳрида медицина паразитологияси илмий – текшириш институти ташкил этилди. Унинг раҳбари этиб гельминтолог олим профессор Л.М.Исаев тайинланди.

Л.М.Исаев паразит касалликларга қарши курашнинг комплекс илмий асарларини ишлаб чиқди. Жумладан, унинг раҳбарлигида одамлар учун энг хавфли бўлган ришта дракункулёз касаллиги, дунёда биринчи бўлиб тўлиқ тўхтатишга эришди.

Л.М.Исаев шогирдлари Л.И.Городилова ва А.К.Сайфуллина билан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида касалликка қарши кураш комплексини қўллаб бу касалликни тубдан камайишига эришдилар.

А.А.Мансуров худди шундай тадбирни Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида амалга оширди. Л.М.Исаев ва Э.А.Житницкая раҳбарлигида Бухоро вилоятининг Корақўл туманида одам учун энг хавфли табиий манбали касалликлардан бири анкилостом тугатилди.

Р.Р.Магдиев, Т.А.Абдиев ва К.Е.Ситовлар қорамол солитёри келтириб чиқарувчи тениариннозга қарши курашнинг илмий асосларини ишлаб чиқдилар ва амалий жихатдан исботлади.

В.А.Гоголь, С.Г.Арахгаева, М.А.Зубицкая ва Р.А.Бобоевалар қатор гельминтлар ва гельминтозларнинг биологияси, экологияси ва патогенози бўйича экспериментал тажрибалар ўтказишди ва аҳолини даволаш бўйича муҳим амалий натижалар олинди.

А.Н.Брудастов, Л.Н.Краснослар тупроқ ва сувдаги гельминтларнинг тухумлари ва личинкаларини аниқлаш методикасини янада такомиллаштиришдилар.

Аскариданинг экологиясига доир (А.Н.Брудастов, Л.Н.Краснос, В.Р.Лемеров, Ш.Холмуродов) қатор тажрибалар ўтказиб, аскариданинг инвазион тухумлари, тупроқда, 10 йилгача тириклик хусусиятини йўқотмаслиги исбот қилинди.

Л.И.Городилова раҳбарлигида 1943 йилдан бошлаб, республика бўйлаб, айниқса, ёш болалар орасида кенг тарқалган, лентасимон чувалчанг – гемеполепидларни ҳар томонлама ўрганиш йўлга қўйилди.

1967-1970 йиллар давомида гименолипидозга қарши комплекс кураш чоралари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинди.

П.М.Лернер калта занжирсимон (геминолепид) нинг одам организмида 1,5-2 ой яшашини биринчи бўлиб аниқлади, геминолепидоз касаллигини аниқлашни янги усулини ишлаб чиқди. Острица – *Э.Vermicularis* – бу паразитни бизни эрамингача яшаб ўтган Гиппократ билган.

К.И.Скрябин (1927) ҳалок бўлган ёш боланинг ичагидан 300 дан ортиқ острица топган.

Э.Р.Геллер (1946) Р.Н.Бобоева, Т.Сайдалиев (1975) острица личинкаси тарқатаётганини ўрганиб, фақат урғочи острица беморни анал тешигидан ташқарига чиқиб, қўйган тухумлардан личинкалар тўлиқ вояга етишини аниқладилар.

Т.Сайдалиев (1974) острица урғочиси асосан кечаси 20-24 соатлар орасида (кундузга нисбатан) 10-12 марта кўп тухум қўйишини острица ичидан топишган.

Г.Г.Шолле острицалар аппендицитни келтириб чиқаришни (О.И.Цих, В.Г.Гутях (1976) 266 кур ўсимтани келтириб ичидан острица топишган. Е.Е.Шульман ва М.С.Торкановскаялар (1965) энтеробиоз билан касалланган болаларнинг  $\frac{1}{5}$  да ўсиш,  $\frac{1}{4}$  жа эса бошланиш ходисаларини рўй берган. Болалар даволанган бу хил ходисалар бутунлай йўқолган.

Острица тухумидан личинканинг тараққиёти учун иссиқлик  $-22+40^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак. Бундай оптимал ҳароратда  $+34+36^{\circ}\text{C}$  (намлик 60+80%) острица тухумлари деярли ҳамма жойда учрайди, синфдаги парта, стол ва стуллар, айниқса беморнинг кийимлари, ётиб турувчи тўшаклар кули ва тирноқлари остида ва ҳокоза.

Т.Сайдалиев (1974) острицанинг тухуми одамга ҳар хил йўл билан юқади (одамдан одамга ҳам ўтади), чанг орқали энтеробиозни аниқлаш усуллари К.И.Скрябин ва Р.С.Шульц (1925) лар анал тешиги атрофини кириб олиб текшириш усулини жорий этдилар. Бунинг учун гугурт чўпига пахта ураб 50% ли глицерин ва 2% ли ичимли сода суюқлиги билан намланади ва анал атрофи суртиб олинади.

В.И.Коверкова (1946) пахтали тампонни Р.Г.Гиммелфорб (1953) эса кечаси анал атрофига пахта қўйиб ётишни тавсия эташди. Ўзбекистонда аскаридалар асосан тоғ ва тоғ олди зоналаридаги аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, зарарланиш даражаси 20-30% ни ташкил этади.

Аскаридалар ҳақида турли хил маълумотлар қадимдан маълум. Бир группа олимлар аскаридаларни экологик объект сифатида ўрганилган бўлсалар, иккинчи группа олимлар тиббиёт нуктаи – назаридан касаллик сифатида талқин этишди.

Г.Г.Смирнов (1935-1959) ва В.А.Гогель (1969) аскарида личинкасини организмдаги миграциясини атрофлича ўрганишди. Уларнинг маълумотига кўра, тажриба қилинган денгиз чўчкасининг жигарида 6 соатдан, ўпкасида



эса 24 соатдан кейин аскарида личинкаси топилган. Тахминан 15 кундан кейин личинкалар ичакда пайдо бўлган.

Шундай қилиб аскарининг организмдаги миграцияси 13-15 кун давом этган.

А.Н.Брудастов (1966-1972) аскардалар асосан тупроқ орқали ўтишини, Н.Э.Халабуда (1958) тупроқда ривожланиб сабзавот, мева, кўкатлар, сув ва кўл орқали юқади деб айтади.

Ўзбекистонда аскарида асосан Тошкент, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятининг тоғ олди ва тоғли зоналарида хисобга олинган. Аскарининг асосий ривожланган ўчоқларидан бири Фарғона вилояти риштон туманидаги суҳ – давлат хўжалигидир. Аҳоли яшайдиган пунктларда аскарининг билан зарарланиш 75,3 % га етган. Бу хўжаликларга аҳолини санитария гигиена қоидаларига риоя қилмаслиги, юмалоқ чувалчангларга қарши режали равишда ташкилий ишлар олиб бормаганлиги туфайли уларни ривожланишининг асосий ўчоғи бўлиб қолди.

Тиббиёт ходимлари, паразитология медицина институти, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимлари билан ҳамкорлигида соғломлаштириш ишлари олиб борилди.

Т.А.Абдиев, Р.И.Бобоева аҳолини дегельминтазация қилишга қаратилган ишларни натижасида аҳоли яшайдиган Сариханда пунктдан иш олиб бордик. У ерда аскарида тухумларини алмашуви ва у ерда сувда, юқорида кўрсатилганларида яшаш шароитда ўзгариш бўйича текшириш ўтказилди. Юмалоқ чувалчанглар тухуми Р.И.Бобоева услубида ўтказилди. Изланишни 90 уйдан олинган. 190 та синовда топилган. Шундан 47 кўкатлар, 15 сув, 20 қоралой, шунда юмалоқ чувалчанг тухумлари 125 синовга топилди. Шундан ҳар хил стадияларда ривожланиш 70-80 %, личинкалар ривожланиши 2278 кз мақсадга мувофиқ. Аскаридада тухумлари 24-25 % ташкил этди. Нам тупроқда яшовчи тухумлар 46-24 % аскарида 25,7 экз. Ўт кўкатларни текшириш синовда сабзавотларда 21-22 тухум кўриниши кўрсаткич 84,3 аскарида тухуми ташкил этади.

Шундай қилиб 2,4-17,2 нусхада аскарида тухумлари ва 1 кг тупроқда 1840 тага етди. Аскарининг тухумларни ташқи муҳит факторларнинг таъсирларига жуда ҳам чидамли эканлиги бир қатор олимлар тажрибалар асосида исботлаб берилди.

Л.И.Исаев номли Самарқанд медицина паразитологияси институтининг илмий ходимлари В.Р.Лемелов, Г.Н.Краснонослар аскарида тухуми Самарқанд шароитида 9-10 йилгача тирик қолар экан. Шунингдек аскарининг билан касалланган беморда бошқа хил касалликлар оғир кечади. Баъзан ичакдан ўтмай қолганлиги қайд этилган.

А.Д.Зотов 1997, А.М.Рибак 1912, И.И.Зряков 1926, В.А.Опель 1930, И.М.Рохеинд 1938, З.В.Кридова 1947, С.О.Юзбошев 1948 ва бошқалар С.К.Лейкина маълумотларига кўра жакон бўйича 9000 дан кўпроқ бемор ичакдан овқатни ўтмай қолганлиги қайд этилган.

Ўзбекистонда трихоцефаллар (қилбошли нематода) асосан тоғ ва тоғ олди зоналари жумладан, Фарғона, Наманган, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида аҳолиси ўртасида тарқалган. П.М.Лернер ва В.Р.Лемелов (1970) маълумотига кўра зарарланиш даражаси 20-30 % ташкил этади.

Ўзбекистон шароитида трихоцефалис билан асосан мактабгача ва кичик ёшдаги мактаб болалари касалланган.

Т.А.Абдиев ва бошқалар (1974) паразит тухумини тарқатишда турли хил температура ва намликнинг таъсирини ўрганиш билан бирга тухумларни қайси тупроқда кўпроқ учраши одамга юқиш йўлларини ўрганишди. Уларнинг маълумотларига асосан қилбош нематоданинг тухумлари кўпроқ сабзавот далалари тупроғида учрайди. Фарғона водийси широклида тухумни одамга юқиши июнь, август ойларида содир бўлади.

Маълумоти бўйича бир дона паразит бир суткада 0,005 мл қон истеъмол қилади.

А.А.Каримов Т.А.Абдиевлар(1975) Фарғона водийсида аҳолини трихоцефалмоз бўйича тиабендазол препарати билан даволаб 100 % соғайиб кетишга эришдилар.

Маълумотига кўра (1984) ер шари аҳолисининг 25 % анкилостома билан зарарланган. Анкилостомалар асосан намлик субтропик мамлакатларда кенг тарқалган.

Улуғ Ватан урушидан кейин анкилостомоз манбаи бўлган Сухуми, Бутуми ва бошқа туманларда касалланган одамларнинг кучиб келиши бўлди. 1950 йили бу ерда яшовчи аҳолининг 26-34 % анкилостома билан зарарланган эди. Комплекс қарши кураш тадбирлари қўлланиш натижасида (Э.А.Житницкая ва бошқалар 1965) 1966 йилга келиб бу кўрсаткич 1 %га камаяди.

Анкилостомоз билан касалланиш 1962 йили Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги берди. Аҳоли умумий кўприқдан ўтказилганда зарарланиш 12,1 % даражасида, баъзи аҳоли пунктларида эса бу кўрсаткич 43,6 % дан иборат экан. Паразит аҳолининг 12-50 ёшгача бўлган қисмида учрашиш аниқланди. Чунки ана шу ёшдаги кишилар деҳқончилик билан шуғулланишади ва тупроқдан паразитнинг личинкаларини юқтиришади. Нажмиддинов ва бошқалар (1965) Р.Ю.Олимжоновнинг (1985) маълумотларига кўра энг хавфли гельминт *Trichinella Spiralis* Ўзбекистонда ёввойи чўчқа гўштини истеъмол қилувчи кишиларда учраши аниқланган.

Ришта бир вақтларда Ўзбекистон айниқса Бухоро аҳолиси учун хавфли паразит ҳисобланар эди. Ҳозирги пайтда бу паразит собиқ ИТТИФОҚ да дунёда биринчи бўлиб тўлиқ йўқ қилинган. Бу ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси йирик паразитолог олим проф. Л.М.Исаев ҳисобланади. Қандай қилиб ришта девастацияга киради. Паразитга қарши актив курашда, биринчи навбатда паразитнинг ривожланиш цикли, юқиш йўллари атрофлича ўрганилади. Ришта билан зарарланган сувлар айниқса, ховуз сувларини ичиш қатъий ман этилди. Аҳоли медицина қуриганидан ўтказилиб, ришта билан касалланган одамлар мажбурий даволанилди. Риштани тарқатишда актив иштирок этувчи ит, мушук каби ҳайвонларга ҳам қарши кураш чоралари қўлланилди. Ришта касаллигини зарари ҳақида тушинтириш ишлари олиб борилди.

Шундай қилиб ришта касаллиги 1932 йилдаёқ тугатилди. Тениаринхоз (қорамол солитёри – *T. Saginatus*) келтириб чиқарувчи касаллик бўлиб, уни бизни эрамизгача яшаб ўтган Гиппократ (460-377) ҳам билган. *T. Saginatus* ҳамма жойда учрайди.

Ўзбекистонда Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси ўртасида кўп тарқалган.

Р.Р. Магдиев 1979 йил одам финноз билан касалланган қорамол гўштини истеъмол қилиш орқали бу паразитни ўзига юқтирди. Ўзбекистонда Хоразм вилоят аҳолиси *T. Saginatus* энг кўп зарарланган. Бунга сабаб Хоразмда, миллий анъанага кўра аҳолиси ҳам гўшtdан “итган” (пиёз ва гаримдори кушишдан ҳам қийма гўшт) деган таом тайёрлаб олишади.

1965-1966 йиллари республика аҳолисини 104 минг киши тиббиёт қуриганидан ўтказилганда, 8 минг 491 киши хўкиз солтёри билан касалланганлиги аниқланган.

К.Ситов 1964-1969 йиллари гўшт комбинатларида сўйилган 26 минг моллар гўштини текшириб кўрганида, уларнинг 11,1 % финноз билан зарарланган экан. Бу кўрсаткич баъзи туманларида 21,4 % ташкил этган.

В.С.Киров (1984) қорамол цистоцеркини нафакат мускулда, балки бош мия ҳам ҳам ривожланиши мумкинлиги тажрибалар асосида исбатлаб берди.

Т.А.Абдиев (1969) ва М.Д.Жумаевлар (1979) қорамолга паразит асосан касалланган одамлардан ўтишини айтади.

А.С.Лебань (1972) Хоразмда тениаринхоз билан касалланган хомиладор аёлларни текшириб, уларни 42,6 % кам конгликни ва 16,1 % муддатдан олдин туғишни аниқлади.

Р.И.Бобоева (1967,1971) Самарқанд шароитида (тухумлари) хўл ўтларда 2-3 ой, қуриган хашакда 2-4 ой, кўл сувларида 5-7 ой, ккалда 6,5,8 ойгача тириклик хусусиятини йўқотмас экан. Тениаринхозга қарши комплекс кураш тадбирлари амалга ошириш шарт.

Гименолепидлар – калта занжирсимон солитёр ер юзасида энг кўп тарқалган паразитлардан бўлиб, Ўзбекистон аҳолиси (айниқса мактабгача

бўлиб, бўлган болаларда) ҳам тез-тез учраб туради. Паразит биринчи миссда улган бола ичагидан топилган. Иссиқ жойларда кўп учрайди.

В.Р.Лемелев (1969-1970) маълумотига кўра гименолепидоз кўпроқ кишлоқ аҳолиси ўртасида тарқалган.

В.П.Подъяполская ва З.Г.Василькова (1934) лар баъзи беморларда паразитлар ҳатто юз минглаб учрашлигини айтишади. Одам турли йўллар билан паразитнинг тухумини юктиради. Ичакда жинсий вояга етган прогмедлар ёрилади, ундан чиққан тухумлар ичак ворсинкалари кириб ундан яна паразит етишади. Шунинг учун ҳам бу паразитдан қутилиш ниҳоят оғир кечади. Гринберг (1961) одам организмида гименолепидни 8 йил яшашни, В.П.Подъяподская (1958-1920) йил ва В.К.Карнаухов (1967) эса 38 йил яшашини ёзишади. Нуклапанинг ривожланиш циклига оралиқ хўжайинлар, жумладан кемирувчилар қатнашади деган тахминлар ҳозирги вақтда ўз тасдиғини топмаяпти. (Л.И.Городилова 1958).

Самарқандлик гельминтологлар П.М.Лернер ва В.А.Гогол (1969) гименолепидларни аниқлашни янги усулини ишлаб чиқдилар. Бу метод медицина кўрикларида кенг қўлланиб келинмоқда.

Эхинококк цестодалар ичида энг кичиги бўлсада 3-5 мм, лекин одам ва турли – туман ҳайвонлар учун энг хавфли паразит ҳисобланади. Эхинококк охирги дефинитив хўжайини ит, бўри, тулки, шоқол ва бошқа йиртқич гўштхўрлардир. Одам турли – туман ҳайвонлар, яъни сут эмизувчиларнинг 60 дан ортиқ турини оралиқ хўжайин ҳисобланади.

Одамда эхинококк тухумлари сув, мева ва сабзавотлар, гигиеник қоидаларни бузилиши орқали асосан итлардан юқади.

В.М.Содиқовнинг маълумотига кўра Ўзбекистондаги итларнинг 6% эхинококк билан зарарланган.

Одамлар ўртасида бу кўрсаткич 0,54 % ни, молларда – 34,8% қўйларда – 53,8% ни ва чўчқаларда 6,7 % ни ташкил этади.

Одамларда эхинококк пуфақларини жойланиши қуйидагича 66 % жигарда, 14,0% ўпка, 17,6 % корин бўшлиғи ва 2,15 % бошқа органларда

учрайди. Организмда эхиноккок пуфагининг усиши секин ва узоқ давом этади. (10-30 йилгача).

Касалланган органларнинг ҳажми катталашиб, чуқур морфологик ва физиологик ўзгаришларга учрайди. Масалан, зарарланган ўпканинг массаси 32 кг. Жигарнинг 50 кг пуфакчалар ҳар хил ўлчамда нўхат донидан ёш бола калласи катталигича, уларнинг сони, эса юздан тортиб минггача бўлади. Эхиноккокни даволашни ягона йўли, одамлардаги эхиноккок пуфагини фақат фақат хирургик йўл билан олиб ташланган иборат. Шунинг учун эхиноккокка учрамаслик бўйича комплекс профилактик тадбирни қўллаш лозим. Ўзбекистон аҳолиси ўртасида, трихиниллез, фасциолноз, описторхоз, диффилоботриоз,, шистосомоз каби гельминтоз касалликлар деярли учрамайди. Лекин давлатлар ўртасида турли хил алоқалар экспорт ва импорт савдо-сотиқлари, одамлар миграцияси каби фактлар юқорида қайд этилган касалликларни келиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

## **II-БОБ. МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДИКА**

Одамда учровчи турли-туман гельминтлар ва улар келтириб чиқарувчи гельминтоз касалликларни ўрганиш мавзуга доир материаллари йиғиш каби ишларни 2016-2017 йиллари давомида олиб бордик. Мавзуга доир қуйидаги ишларни амалда оширдик.

1. Адабиётларни ўрганиш билан бирга Сурхондарё вилояти паразитология лабораториясининг аҳоли ўртасида гельминтоз касалликларни аниқлашга доир 2010-2017 йиллардаги ҳисоботни тўлиқ ўрганди ва таҳлил қилдик.
2. Лаборатория ходимлари билан бирга Термиз шаҳардаги “Шахноза”, “Чайка” ва Гулбаҳор” боғчасидаги болларнинг гельминтоз касалликлар бўйича 2016 йил январь ва 2017 йил февраль ойларида фронтал текшириб кўрдик.
3. Лаборатория ходимлари билан бирга дегельминнизация қилинган 12 та болаларнинг ккал текширилиб, ундаги аскарида, острица, калта занжирни лентасимонларни йиғиб олинди.

### **ГЕЛЬМИНТЛАРНИ ЛАБОРАТОРИЯДА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ**

1. Нажасни текшириш ёки каприологик гельминтлар кўп қисми одам ичаги ва у билан боғланган организмда паразитлик қилади. Гельминт тухуми ёки нажас билан ажралади.
2. Макроскопик усул. Нажас кўздан кечирилганда, гельминт боши, бўғимлари ўзи ёки даволашдан кейин ажраладиган стробила парчасини ёки аскарида қилбош ва острицалар териб олинади.
3. Микроскопик усуллар. Гелминт тухуми ёки личинкаларни топиш учун нажасни текширишни асосий усулларида бири микроскопик усуллар. Бу учун кўпинча препарат методи билан аниқланади.

1. Натив суртма

2. Фюлборий усули
3. Калантарян усули
4. Берман усули

Натив суртмаси – қон, шилимшиқ суюқ нажасни эритмасини қўшмасдан текшириш мумкин. Бунинг учун 1 бир томчи нажасни препарат ойнасига томизиб қопланғич ойна билан ёпилади. Кейин микроскопда кўриш мумкин. Бунда шиша таёқчадан фойдаланиш мумкин эмас.

Берман – нажасдаги гелминтларни личинкаларни топиш учун фойдаланилади. Бу стронгилидозни аниқлаш мумкин.

Энтеробиоз текшириш методи.

1. Перианал бурмалар билан қирма олиш
2. Шпатель билан перианал ректа қирма олиш
3. Ёпишқоқ лента (грехо методи)

**Макроскопик метод** – бу методда паразитни ўзи ёки шунга ўхшаш паразитдан фойдаланиш мумкин. Уларни даволаш ўтказилгандан кейин текшириш мақсадида ёки уни эффектни билишда қўлланилади.

Гельминтозларни алоҳида диагностикаси, тухуми ажратмайдиган кўзгатувчиларни алоҳида диагностикаси, тухумни ажратмайдиган кўзгатувчиларни фекалларни фақат ажралиб чиққандан кейин ёки тозалашдан кейин текширилади. Бу энтеробиоз тенаринхоз учун қўлланилади.

**а) Чўктириш методи** – сутка давомида балки цилинрда аралаштиририб 5-10 қисқа сонда сув қўшилади. Яхшилаб араштириб, кейин тиндирилди. Идишга озроқ қўйилади. Токи чўкма чўккинча юқоридаги сувли қувватни олиб унинг устига сув қўйилади. Бу бир неча марта такрорланади. Шундай ювилган чўкиндени оз-оз порциядан Петри идишига пуркалади. Оддий кўз билан ёки лупа ёрдамида майда гелминтларни кўриш мумкин.

**б) Элаклаш** – суткалик порцияда фекали, сув билан аралаштирган сеткадан ўтказилади. Гельминт сеткада ушлаб турилади.



**Микроскопик метод** – бу гелминтларни тухум ёки личинкаси борлигидан ва диагностикасини аниқлаш мақсадида ва контрол учун дегельминтизация эффеќтини билиш мақсадида қўлланилади. Феќаллар капрологик кузатиш учун лабораторияда свет олинади. Шишали идишда 15-20 хосил бўлган. Порцияни олдин микроскоп усул билан кўрилади. Катта гелминтлар ёки ўхшаш гелминтлар бўлиши мумкин. Кейин микроскопик усулда кўрилади. Микроскопик кузатиш учун мустаќил равишда тайёрланган препаратларни оз-оздан биологик микроскопик ёрдамида иккиланганда микроскопик ёруғидан кейин озроќ қоронғилаштириб қуёшли кунда кўриш мумкин. Чунки уларнинг тухумларини ўтказилиб юбормаслик учун улар оқ рангда (острица тухуми, анкилостома) кўриладиган препаратни ҳам горизантал ҳам вертикал томонларга кўриб кўриш керак. Худди лейкоцит ёки эритроцитни текшириш каби кузатиш мумкин.

Гельминтнинг тухуми топилгандан кейин, текшириш тўхтатилмайди. Препаратда бошқа гелминт тухумини учратиш мумкин. Препарат тўлиќ бўлиши керак.

**Флаќеторин метод** – Насе билан тайёрланади. 4 кг Насе га 10 л сув қайнатилади. Кейин совитилиб, анализга ишлатилиб кўрилади.

## **III-БОБ. СУРХОНДАРЁ АҲОЛИСИДА УЧРОВЧИ ГЕЛЬМИНТЛАР ВА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

(2010-2017 йиллар статистик маълумотлари).

Биз Сурхондарё вилояти аҳолиси ўртасида тарқалган гельминтлар ва гельминтозларни ўрганиш мақсадида вилоят марказий санитариология назорат маркази паразитология лабораториясида 2010-2017 йиллар бўйича йиғдик ва уларни шаҳарлар ҳамда туманлар бўйича таҳлил этдик.

Таҳлиллар асосида қуйидаги илмий хуласалар келиб чиқди.

1. Сурхондарё вилояти аҳолисини тиббиёт кўрикларидан ўтганларининг 3,3-4,4 % гельминтлар ва гельминтозлар билан касалланганлиги аниқланди. 2010-2017 йиллари давомида жами 11466321 киши тиббиёт кўрикларини ўтказилганда улардан 45594 киши (3,9%) гельминтлар ва гельминтозлар билан зарарланган экан (қаранг 66 таблица).

Агар гельминтлар билан касалланганлиги (45594) 100% деб олсак, гельминтозларнинг хиллари қуйидагича назарга ташланади. Аскаридоз билан зарарланганлар 738 киши 1,6 % Трихоцефалёз билан касалланганлар 34 киши – 0,001% Тениаринхоз билан 276 киши – 0,6 % геминолепидоз билан 19334 киши – 42,8% ва энтеробиоз билан 24995 киши – 54,8% иборат экан. Сурхондарё вилояти ўртасида нематодалар келтирилиб чиқарувчи энтеробиоз лентасимонларнинг вакилли – геминолепидоз лар доминант касаллилардан ҳисобланади.

### **АСКАРИДОЗ КАСАЛЛИГИНИ ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ**

Термиз шаҳрида (гельминтозлар ўртасида 1,6-11,1 % гача, Шеробод тумани – 169. Бойсун тумани бўйича 1,9-6,9% гача, Жарқўрғон тумани бўйича 1,9-6,9% гача: Қумқўрғон тумани бўйича 3,5 %. Шўрчи тумани бўйича 2,2-9,4% гача: Денов тумани бўйича 1,8 %. Сарийосиё Тумани бўйича 4,2-11,5 %

Олтинсой тумани бўйича 1,7%, Денов шаҳри бўйича 1,4-2,1% гача, Узун тумани бўйича 2,9-4,0 % гача вилоят бўйича 0,6-3,8 % гача учрайди.

Адабиётлар таҳлилига кўра аскаридоз асосан тоғ ва тоғ олди зоналарида кўп учрайди. Лекин Шеробод, Бойсун, Денов ва Олтинсой туманларида кўрсаткични пастлиги – медицина паст даражада ёки битунлай ўтказилмаганлигини билдиради.

### **ТЕНИАРИНХОЗ КАСАЛИНИНГ ТАРҚАЛИШИ**

Термиз шаҳрида тенеаринхоз билан 5 киши. Ангор тумани бўйича 3 киши Музработ тумани бўйича 2,4% -3,1% гача Шеробод тумани 1,6%, Бойсун тумани 1,3-1,5 %, Жарқўрғон тумани бўлса 1,3-4,0% гача, Қумқўрғон тумани бўйича 3 %, Шўрчи тумани 3,7 %, Денов тумани бўйича 1,3-4,2%, Сариосиё тумани бўйича 1,7-2,9 гача, Олтинсой тумани бўйича 1,2 % гача вилоят бўйича 0,2-0,9 % гача.

### **ГЕМИНОЛЕПИДОЗ КАСАЛИНИ ТАРҚАЛИШИ**

Термиз шаҳрида гельминтозлар ўртасида 10,6 -51,1 % Термиз тумани бўйича 51,0-78,8%, Ангор тумани бўйича 37,8-57,4 % гача, Музработ тумани бўйича 38,5-88,8 %, Шеробод тумани бўйича 52,7-83,7 %, Қизирик тумани бўйича 9,3 – 60,6% гача, Бойсун тумани бўйича 21,2-52,7 % гача, Жарқўрғон тумани бўйича 59,8-83,7 % гача, Қумқўрғон тумани бўйича 38,6-90,9%, Шўрчи тумани бўйича 29,3-83,7 %, Денов тумани 24,8-47,3% гача, Сариосиё тумани бўйича 11,1-37,2%, Олтинсой тумани бўйича 27,1-49,1%, Денов шаҳар 20,9-80,3 %, Узун тумани бўйича 6,6-50,2 Вилоят бўйича 32,8 – 52,8% гача учрайди.

Адабиётлар таҳлилига кўра геменолипидоз тоғ ва тоғ олди зоналарида кўп учрайди. Лекин Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Қизирик, Шеробод, Музработ

туманларида медицина кўригини паст даражада ёки бутунлай ўтказилмаганлигини билдиради.

## **ЭНТЕРОБИОЗ КАСАЛЛИГИНИ ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ**

Термиз шаҳрида гельминтозлар ўртасида 48,6 -84,7 % Термиз тумани бўйича 20,0-49,2%, Ангор тумани бўйича 37,2-55,4 % гача, Музработ тумани бўйича 14,1-70,9 %, Шеробод тумани бўйича 12,2-47,7 %, Қизирик тумани бўйича 38,3 – 90,6% гача, Бойсун тумани бўйича 46,0-67,5 % гача, Жарқўрғон тумани бўйича 13,9-72,1 % гача, Қумқўрғон тумани бўйича 10,0-70,9%, Шўрчи тумани бўйича 15,7-70,2 %, Денов тумани 11,0-70,1 % гача, Сариосиё тумани бўйича 54,0-88,4%, Олтинсой тумани бўйича 50,8-71,2%, Денов шаҳар 17,7-75,0 %, Узун тумани бўйича 50,0-97,7 Вилоят бўйича 44,9% гача учрайди.

Сурхондарё вилояти аҳолиси ўртасида нематодалар келтириб чиқарувчи энтеробиоз ва геминолипоз касаллаиклари кўп учрайди. Кўрсаткичларга қараганда вилоятимизни Узун, Қизирик, Сариосиё, Денов шаҳар, Термиз шаҳри, Бойсун, Музработ, Қумқўрғон туманларида энтеробиоз билан касалланиш юқори даражада эканлигини билдиради.

#### **IV-БОБ: ВИЛОЯТ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИ БЎЙИЧА ГЕЛЬМИНТЛАР ВА ГЕЛМИНТОЗЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**Термиз шаҳри** - бўйича 2010-2017 йиллари давомида 168922 киши гельминтоз касалликлари бўйича тиббиёт кўригидан ўтказилганда, 4574(2,7%) киши гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланди. Гельминтоз билан касалланганларни (4574 киши) 100% деб олсак, аскаридоз билан 11 % (183 киши), геминолипидозлар билан 23,3 (1069 киши), тениаринхоз билан 5 киши, энтеробиоз билан 12,5 % (3317 киши) ташкил этди.

